Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 16-avgust • Shanba • 97 (27.902) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир».

2008 йил – Ёшлар йили

«НИҲОЛ» МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти танловининг ташкилий жараёнлари Низомга мувофиқ эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, мумтоз қўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати йўналишларида уч босқичда ўтказилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган ушбу кўрик-танлов мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларини қамраб олди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг барча туман, шаҳарларида бўлиб ўтган биринчи босқичда 8122 нафар иштирокчи ўз кучини синаб кўрди. Танлов кенг жамоатчилик ва томошабинлар иштирокида ўтди. Қатнашчиларнинг иқтидори муносиб баҳоланди ҳамда улар турли ўринлар ва мукофотларга сазовор бўлишди. Оммавий ахборот воситаларида номзодлар, уларнинг фаолияти ва ижоди доимий ёритиб борилди.

Иккинчи — вилоятлар босқичида 881 нафар иштирокчи беллашди ҳамда улар орасидан 89 нафар номзод республика босқичига йўлланма олди.

Якуний — республика босқичи кескин ижодий беллашувлар асосида ўтди. Унда ҳар бир вилоятдан 2 нафардан, Тошкент шаҳридан 4 нафар, жами 30 нафар ёш ижрочи «Ниҳол» мукофотига номзод сифатида иштирок этди.

Шу муносабат билан 15 август куни «Истиқлол» саройида 15 нафар совриндорга «Ниҳол» мукофоти тантанали равишда топширилди ва лауреатлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

2-бет

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

15 август куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида Инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳужжатга кўра ўзбекистонлик ҳамда японияликсармоядорлар ва инвестицияларга нисбатан маҳаллий сармоядорлар ва инвестициялар учун берилган қулайликлардан кам бўлмаган тартиб жорий этилади.

Томонларнинг таъкидлашича, битимнинг имзоланиши икки мамлакат ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорлик янги даражага кўтарилганидан далолат беради. Ҳозиргача Япония бу каби битимларни жаҳоннинг 30 га яқин давлати билан имзолаган ва Ўзбекистон билан эришилган аҳдлашувга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Томонлар битим ўз вақтида имзоланганига урғу бермоқда. Бинобарин, сўнгги бир неча йил давомида Ўзбекистон ва Япония компаниялари-нинг ўзаро ҳамкорликни жадаллаштиришга бўлган қизиқиши сезиларли даражада ортган. Мазкур ҳужжат эса, аввало, хусусий сектор вакилларининг алоқаларини кенгайтиришга қаратилган.

Битимни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ва Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цутому Хираока имзолади.

«Жаҳон» АА.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ПОЙТАХТИМИЗ – ФАХРИМИЗ

Ҳар гал Тошкент шаҳрида бўлганимда фахр-ифтихорга тўлиб қайтаман. Зеро, истиқлол йилларида эришилган бетимсол ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари пойтахтимиз жамолида янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Мен Тошкентга илк бор 1959 йилда келганман. Талабалик йилларим шу ерда ўтган.

Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан Тошкент шаҳри бутунлай янгиланиб, жаҳон илм-фани ва маданиятининг йирик марказларидан бирига айланди. Бу ҳар бир ўзбекистонлик каби менинг ҳам қалбимни ғурурга тўлдиради.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Тошкент шаҳрида бўлиб, янги замонавий иншоотларни, кенг кўчаларни, салқин хиёбонларни айландим, қутлуғ қадамжоларни зиёрат қилдим. .

Дунёда машҳур шаҳарлар кўп. Бири ўтмиши ва тарихий обидалари билан, бири саноатининг ривожи билан, яна бири юксак маданий ҳаёти билан ном чиқарган. Истиқлолимиз туфайли, Юртбошимизнинг миллий қадриятларимизни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан Тошкент бу сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган масканга айланди. Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши Шарқ дарвозаси номини олган пойтахтимизнинг жаҳонаро мавқеини янада кўтаришга хизмат қилади.

Ёшларимиз дунё кўриб камол топмоқда. Улар ўз юртида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан фахрланиб вояга етмоқда. Азим пойтахтимиз – Тошкентнинг 2200 йиллигини муносиб нишонлаш фарзандларимиз қалбида Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини янада оширади.

Ислом ХУШИЕВ,
«Нуроний» жамғармаси
Жиззах вилояти бўлими раиси (ЎзА)

Миллат пойдевори

«ОИЛАМГА ҲАҚИҚИЙ БАХТНИ ҲУРРИЯТ БЕРДИ»

Ҳурлик заминимизга қутбарака, барча соҳаларга ривож, анъаналарнинг тиклaниши, ўзлигимизни англаш каби олий бахт-саодатни қайтадан туҳфа этди. Ўтиб бораётган ўн етти йилда эришилган ютуқларимиз орасида шундай беқиёс бойлик борки, бусиз ҳар қандай юрт ғариб ва нурсиздир. Эркинлик оиладек муқаддас даргоҳни обод ва фаровон қилишга мустаҳкам замин яратди. Кеча орзу қилинган тинч, ҳам моддий, ҳам маънавий ўзига тўқ, фарзандлари дунёдаги тенгдошлари қаторида илдам қадам боса оладиган оила бугун давлатчилигимизнинг пойдеворига айланди. Юртимизда баркамол фарзандларни тарбия қилиб, ўрнак бўлиб яшаётган оилалар жуда кўп. Улар орасида устоз Рашид Отахонов оиласи ҳақида фахр билан гапириш мумкин. Чунки бу оилани мустақиллик имкониятлари ва қувончларининг ҳақиқий тимсоли, десак, муболаға бўлмайди. Истибдоднинг тугаши ва ҳурлик улар тақдирида катта бурилиш ясади.

КЕЧАГИ ХОТИРАЛАР

— Отам 30-40 йилларда Қори Ниёзий билан биргаликда ўқувчиларга сабоқ берган биринчи ўқитувчилардан, — дейди Рашид ота. — Умуман, бутун шажарамиз ўз ҳаётини математикага бахшида этган. Шу сабабдан бўлса керак, мен ҳам шу фанга ихлос қўйдим. Бир куни қўшниниз радио, телевизордан гап очиб қолди. Шунга қизиқиб мактабни тугатгач, белбоғимга аттестатимни қистириб, Тошкентга келдим. Абитуриентлик чоғида муҳтожликдан Олой бозорида помидор сотганларим ҳамон ёдимда... Тошкент алоқа институтига имтиҳон топшириб, барча фанлардан аъло баҳо олдим.... Ўша пайтдаги институт ректори генерал Александр Астахов «Сен марказда ўқишга лойиқсан» деб мени Ленинградга юборди...

Ўқишни битиргач, Рашид Отахонов «Видео-ахборотни қайта ишлаш ва уни узатиш муаммолари» мавзуида номзодлик ишини ёқлади. Ўша вақтларда космосда рангли тасвир йўқлиги кўпгина тадқиқотлар йўлига тўғаноқ бўлаётганини у яхши билар эди. Шу боис мазкур муаммо устида бош қотира бошлади. Излаган албатта, топади. Рашид ака коинотга рангли тасвир узатиш йўлини топди ва шу мавзу бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1983 йил Рашид Отахонов кашф қилган қурилма илк марта «Салют-7», «Союз-9», «Союз-10» ва «Союз-11» космик кемаларида ишлатилди. Космонавтлар очиқ космосда бирор муаммо туғилса, ердаги муҳандис олимлардан рангли тасвир орқали чизма ва зарур маълумотларни ола бошлади.

2-бет

ЎзХДП – хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Аёллар юрт равнақи, Ватан тақдирида ҳал қилувчи куч, дея таъкидланди партиямизнинг Тошкент вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида

Оққўрғон туманида бўлиб ўтган анжуман мамлакатни модернизациялаш жараёнида хотин-қизларнинг роли ва вазифалари мавзуига бағишланди. Унда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар, партия вилоят, шаҳар, туман кенгашлари раислари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, касаба уюшмалари, «Маҳалла», «Наврўз», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ва электорат вакиллари иштирок этди.

— «Фаол аёллар» қаноти партия аъзолари ва электорати бўлган хотин-қизларни партия сайланма органлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятида иштирокини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали аёллар манфаатларини ифода этишда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди Тошкент вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши раиси, вилоят партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Муҳайё Тўлаганова. — Оҳангарон, Бекобод ва Чирчиқ шаҳар, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Паркент ва Пскент туман партия кенгашлари «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кучайтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича қатор тадбирларни ўтказиб келаяпти.

Хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш учун уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига кўпроқ сайланишига эришиш зарур. Тўғри, депутатликка сайланиш осон эмас. Рақобат кучли. Шунинг учун зукко, билимдон, ижтимоий фаол аёлларни ҳозирдан номзодликка тайёрлаб бориш зарур.

— Хотин-қизларда биринчи навбатда онгли фуқаролик фаоллигини шакллантириш, фуқаролик масъулиятини ҳис этиш ва унга амал қилиш кўникмаларини тарбиялаш «Фаол аёллар» қанотининг асосий вазифаси бўлиши зарур, деб ўйлайман, — деди Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицей директори, юридик фанлар номзоди Раъно Турдибоева. — Хотин-қизларда юксак маънавиятни шакллантириш келажак авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари сифатида тарбиялашнинг гаровидир.

— Бугунги жамият жуда кенг қамровли ғоявий, мафкуравий, информацион хуружлар қуршовида турибди, — дейди сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков. — Шундай вазиятда маърифатли аёллар юртни ҳар томонлама асрашга катта хизмат қилади. Хотин-қизлар билан иш олиб борганда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайман. Энг ачинарлиси, Ўзбекистонда миссионерлик фаолияти билан шуғулланаётганлар орасида хотин-қизлар оз эмас. Уларга қарши курашда ҳам фаол аёлларнинг ўз ўрни бўлиши лозим.

Анжуманда, шунингдек, Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов, Оққўрғон туман ҳокими, ЎзХДПдан туман Кенгаши депутати Аҳрор Ғофуров, Янгийўл шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Зулхумор Исмоилова ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

2-бет

Ўзбекистон ифтихорлари

ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАН ПОЛВОН

Пекинда ўтказилаётган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида дзюдо бўйича оғир вазн тоифасида ҳамюртимиз Абдулла ТАНГРИЕВ (+100 кг.) кумуш медаль совриндори бўлди.

4-бет

Beijing 2008

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Депутатлар ташаббуси билан

ҚИШНИ КУТИБ ОЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

— дея сўрашмоқда ЎзХДПдан сайланган депутатлар

Мамлакатимиз Президентининг «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Наманган шаҳар ҳокимлиги шаҳардаги иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий объектларни мавсумга тизимли равишда тайёрлаш бўйича дастур ишлаб чиққан эди. Ҳар қандай қарор, режа-тадбир ўзининг ижроси билан қадрланади. Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи навбатдаги йиғилишида ушбу дастур ижроси масаласини кўтарди.

Ўтган қиш мавсумида кўрилган зарарларни бартараф этиш ва камчиликларни такрорламаслик мақсадида ишлаб чиқилган дастур юзасидан амалий ишларга қачон киришилади?

Партиямизнинг Наманган шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Маматвали Турғунов томонидан қўйилган бу саволга шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муҳаммаджон Юсупов жиддий муносабат билдирди. Бунинг натижасида шаҳар ҳудудидаги 7 та касб-ҳунар коллежи, 18 та мактаб, 2 та мактабгача таълим, 10 та соғлиқни салаш муассасаси, 10 та маҳалла фуқаролар йиғини, 10 та уй-жой мулкдорлар ширкатидаги аҳвол атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўтган қишда кўрилган зарар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳомийлар бириктирилди. Яқинда бўлиб ўтган Наманган шаҳар фаолларининг йиғилиши кун тартибига ҳам айнан шу масала қўйилди.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳига берилган маълумотларга кўра, шаҳар ҳудудидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида қишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилган. Ўтган қиш мавсумида 10 миллион сўмлик зарар кўрган 31-умумтаълим мактабида 4,5 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган. Мактаб ҳомийси «Намангансуюқгаз» масъулияти чекланган жамият томонидан талофатларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. 10-, 15-, 50- умумтаълим мактабларида эса бу борада қўшимча чоралар ҳам белгиланган.

— Халқимизда «Қиш ғамини ёзда е», деган нақл бор, — дейди «Халқлар дўстлиги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулло Абдуҳалимов. — Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатларнинг бу масаладаги ташаббуси шаҳар ҳокимлиги томонидан астойдил қўллаб-қувватланмоқда. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масаласи ХДП депутатлик гуруҳининг доимий эътиборида. Наманган шаҳар Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш корхонасидан айни қиш мавсумида маҳаллаларга махсус хабар келганди. Ўшанда ХДП депутатларининг қўшимча огоҳлантиришидан келиб чиқиб, маҳалламиз ҳудудидаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси орқали ҳар бир ширкат ва кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчилар билан маслаҳатлашиб, иссиқлик узатиш тармоқлари сувини бўшатиб қўйгандик. Натижада иситиш тармоқларини зарарлардан сақлаб қолдик. Айни кунларда «Аҳиллик пирамидаси», «Карима — севинч», «Ақл-идрок», «Истиқбол — бирдамлик» ширкатларидаги қишга тайёргарлик ишлари намунали олиб борилмоқда.

Дастур асосида бажарилаётган ишларда ижобий силжишлар сезилмоқда. Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш корхонаси шаҳар ҳудудидаги 53 та иситиш қозонхонасини таъмирдан чиқарган.

Бироқ захира ёқилғилар тайёрлаш талаб даражасида эмас. «Наманганкўмир» томонидан ҳозирга қадар 328 тонна кўмир сотилган. Наманган шаҳар Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Олимжон Абдуллаевнинг айтишича, қиш мавсуми учун ҳали яна минг тонна кўмир, бир ярим минг тонна мазут, уч юз ўн беш тонна техник туз жамғариш лозим.

Наманган шаҳар партия кенгаши, депутатлар гуруҳи томонидан фаоллар йиғилишида киритилган қатор таклифлар амалиётга жорий этила бошланди. Унга кўра, ҳар бир хонадонга эслатма варақалар тарқатилди. Ундан: **«Хонадонингизда қишга тайёргарлик қай даражада? Коммунал тўловлардан қарзингиз қанча? Электр иситишга эмас, ёритишга хизмат қилишини унутманг ва бунга риоя этинг!»** — каби сўров ва даъватлар ўрин олган.

Шунингдек, депутатлар гуруҳи томонидан билдирилган таклифлар асосида маҳаллаларда қиш мавсумига тайёргарлик бўйича штаб тузилиб, навбатчилик ташкил этилди. Меҳнат жамоаларида ишчи-ходимларнинг хонадонларида қишга тайёргарлик масаласида йиғилишлар ўтказилиб, шароити оғир оилаларга ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланмоқда. Маҳалла ва меҳнат жамоалари томонидан электр токи ишлаб чиқарувчи кичик мосламалар сотиб олиш йўлга қўйилди.

Ҳамидхон Тўхтаев, Олимжон Ҳасанов, Абдулазиз Орипов, Ворисхон Гайбуллаев, Сайловиддин Асқаралиев сингари депутатлар ўзларининг бу борадаги жонкуярликлари билан сайловчиларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга эришмоқдалар.

— Партия кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилгани дастурий мақсадларимизнинг амалий ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда, — дейди М.Турғунов. — Қабулхоналарга келган фуқароларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилаётгани ёки ҳуқуқий маслаҳатлар берилаётгани партия ташкилотларини, хусусан депутатлик гуруҳлари фаолиятининг жонланишига сабаб бўлмоқда. Куз-қиш мавсумига таёргарлик масаласини кўтаришимизга ҳам ана шу мурожаатлар сабаб бўлди. Амалга оширилаётган ишларда партиямиз фаоллари ва хайрихоҳларимизнинг ҳам ҳиссалари борлиги эътиборга лойиқ.

Қишга тайёргарлик кўриш штаби фаолияти бўйича «Шарқ тонги» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла оқсоқоли Исоқжон Холбоев раҳбарлигида рўйхатдаги 25 та кам таъминланган хонадонлар учун эҳтиёт чораси сифатида ўтин жамғарилаётганига гувоҳ бўлдик.

Дарҳақиқат, ўтган қиш мавсумидаги изғиринлар барча учун бирдай сабоқ бўлди. Бу галги қиш об-ҳавоси қандай бўлишидан қатъи назар, унга етарли тайёргарлик кўриш ҳар биримиз учун фойдалидир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Партиямизнинг Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан жойларда мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган «Озод ва обод юртда саодатли яшаш — ўз қўлимизда» шиори остида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Янгиариқ туман партия кенгаши ташкил этган тадбирларда мустақиллик йилларида тинчлик, барқарорлик туфайли ҳар бир соҳада олиб борилаётган яратувчанлик ишлари, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари йўлида амалга оширилган ислоҳотлар, истиқлолнинг ёшлар учун яратган имкониятлари, жамият ҳаётидаги янгиланишлар хусусида сўз юритилди.

Байрам тадбирларини мазмунли ўтказишда партия ташкилотлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий ҳаммаслак ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Байрам муносабати билан **Қашқадарё вилоят партия кенгаши** Ахборот-ресурс марказида ўтказилган давра суҳбати «Мустақилликни асраб, бир тану бир жон бўлиб яшайлик» деб номланди. Унда ўтган давр мобайнида Қашқадарё заминида турли соҳа ва тармоқлар бўйича эришилган ютуқлар, истиқлолнинг воҳа аҳли ҳаётидаги беқиёс аҳамияти, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг вилоят ривожидаги ўрни ҳамда бу жараёнда ЎзХДП аъзолари ва электорат вакилларининг иштироки ҳақида фикр юритилди. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни кўнгилдагидек ўтказишда партия ташкилотлари, фаолларнинг вазифалари белгилаб олинди.

ЎзХДП Урганч шаҳар кенгаши ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вакиллари иштирокида Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида «Мустақиллик менинг тақдиримда» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар юртимизда ёшларга берилаётган эътибор, давлат томонидан, хусусан «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида яратилаётган имкониятлар ва улардан самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Аёллар юрт равнақи, Ватан тақдирида ҳал қилувчи куч, дея таъкидланди партиямизнинг Тошкент вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти конференциясида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидландики, «Фаол аёллар» қанотининг партия кадрлар тизимини мустаҳкамлашдаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Хотин-қизлар орасидан салоҳиятли етакчи-лидерларни аниқлаш ва келгуси сайловларда депутатликка номзод этиб кўрсатиш учун уларнинг сиёсий, фуқаролик ва ҳуқуқий тарбияси, профессионал тайёргарлигини таъминлаш борасида бошланғич ташкилотлардаги ишларни жонлантириш, бу йўналишда хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

«Фаол аёллар» қанотининг мустақиллигимизнинг ўн етти йиллигига бағишланган тадбирларда фаол иштироки, тарғибот-ташвиқот ишлари, жумладан, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш масалаларида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни тушунтириш борасидаги вазифалари белгилаб олинди.

Анжуман давомида Ўзбекистон ХДП сафига янги қўшилган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«НИҲОЛ» МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ ЛАУРЕАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий санъатимиз ва маданиятимизни янада ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришдек эзгу ишларда навқирон иқтидор соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни янги, янада юксак ижодий чўққилар сари рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур барча шароитларни яратиш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, маданият, санъат, таълим, илм-фан, спорт каби соҳаларда тенгдошларига ибрат бўлаётган ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. Юртимизда ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, санъат анжуманлари, фан олимпиадалари, кўргазмалар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган кўплаб ижодий лойиҳалар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бундай эзгу ишлар кўлами Ёшлар йилида тобора кенгаймоқда.

... Чорлов мусиқаси янграб, саҳнага «Ниҳол» мукофотининг 2008 йилдаги совриндорлари кириб келадилар. Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган мазкур мукофот ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларга ҳар томонлама мадад бўлиш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этишда зўр қанот бўлмоқда. Ушбу мукофот учун ўтказиладиган танловда иштирок этаётган йигит-қизлар сафининг йил сайин кенгайиб бораётгани «Ниҳол»нинг нуфузи тобора ортаётганидан далолатдир. Ўзбекистон Ўсмирлар симфоник оркестри жамоаси, Азиз Шоҳакимов, Муҳаббат Қиличева, Женисбек Пиязов, Элеонора Котлибулатова, Абдумалик Абдуқаюмов каби «Ниҳол» мукофоти соҳиблари республика ва халқаро кўрик-танловлар, мусиқа анжуманлари, фестивал-лар ва концертларда муваффақиятли иштирок этаётгани қувонарлидир.

Бу йил мазкур мукофотга мусиқа санъатининг турли йўналишлари ва хореография бўйича Гулмирахон Абдулаҳатова, Илёс Арабов, Шавкат Эргашев, Азамат Муҳаммаджонов, Беҳзод Абдураимов, Бунёд Саидов, Саида Саидбекова, Сирожиддин Файзиев, Муҳаббат Меҳмонова, Раъно Авазова, Саъдулла Бадалов, Ойбек Алимов ва Нигора Исмоилова, Дилноза Шерматова, Рашид Хўжасов, Зиёда Қобилова лойиқ топилди. Маросимда «Ниҳол»нинг янги совриндорларига ушбу мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

— Иқтидорли ёшлар давлатимиз ва жамиятимиз эътиборида, эъзозида эканини ҳар қадамда, ўқишимиз, ижодий изланишларимиз жараёнида ҳис этиб яшаймиз, — дейди «Ниҳол» мукофоти соҳиби, қорақалпоғистонлик ёш хонанда Рашид Хўжасов. — Ўз навбатида Ватанимиз, халқимиз билдирган бундай юксак ишончга муносиб бўлишни, уни ўзимизнинг самарали изланишларимиз, ижодимиз, фаоллигимиз билан оқлашга астойдил интиламиз.

Маросимда «Ниҳол» мукофоти соҳиблари, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«ОИЛАМГА ҲАҚИҚИЙ БАХТНИ ҲУРРИЯТ БЕРДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо бу янгиликни ўйлаб топишга кетган меҳнати ихтирони марказдагиларга исботлаб бериш олдида ҳеч нима бўлмай қолди. Ҳимоя 6 соат давом этди ва у 71 саволга жавоб берди... Бир ўзбек фарзанди шу ишга қодир эканига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди. Кашф қилинган «Кодер» ҳамда «Декодер» ускуналар орқали коинотга дунёда илк бор рангли тасвир узатилди. Тасвир узатгич Тошкент-Ленинобод радиорелей тизимида қўлланилиб, қанча-қанча маблағ тежаб қолинди.

Рашид Отахонов собиқ иттифоқнинг космонавтика федерациясига қабул қилинди.

— Улар менга ишонмагани, шубҳа билан қарагани, бир ўзбек ўғлонининг қўлидан шунча иш келишига кўзлари етмагани учун жуда кўп қийинчиликлар, тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келди, — дейди олим. — Биринчи кашфиётим кейингиларига туртки бўлди. Спутникни стыковка (улаш) қилишда ҳам яратган ускунам асқотди. Учинчи ишим жангда рақибнинг ва ўз ракеталарингни бир-биридан фарқловчи мослама бўлди.

Рашид Отахонов билан суҳбат қурган одам унинг камсуқум, камтарлигига амин бўлади. Устоз фақат иш, ўқиш, изланиш, ўз устида ишлаш, ўз-ўзига талабчанлик ҳақида гапиради. Нафақа ёшида бўлса-да, шогирдларни деб эрталабдан Фанлар академияси Математика ва ахборот технологиялари институти қошидаги «Амалий ахборот тизимлари ва хавфсизлиги» лабораториясига ишга келади.

ОИЛАМ — МЕНИНГ ЭНГ КАТТА КАШФИЁТИМ

Зиёли хонадоннинг барча фарзанди — беш ўғил ва бир қиз олий маълумотли. Ўғиллари ҳатто иккитадан олий ўқув юртини тамомлаган. Домланинг талабчанлиги, интизомга ўргатгани сабаб, беш ўғил ҳам ҳозир ҳаётда ўз ўрни ва ўз йўлини топган. Жаҳонгир банк соҳасида, Комилжон лизинг компаниясида, Эркинжон ва Дилшодбеклар аудиторлик ташкилотларида фаолият юритаяпти. Умидахон Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олмоқда. Кенжа ўғил Шарофжон мактабда ўқиб юрганида инглиз тили бўйича республика танловида биринчи ўринни олиб, Америкада ўқиш имконини қўлга киритган эди. Ҳозир у Темпл университетининг магистратура босқичида таҳсил олаяпти...

— Беш ўғилни тарбия қилиш, уларга чуқур илм олиши учун шарт-шароит яратиш, оёққа турғазиш осон бўлмагандир?

— Тўғри, фарзанд тарбияси ўз-ўзидан бўладиган, осонгина кечадиган жараён эмас, — дейди домла вазминлик билан. — Аммо, битта ўғил ўстирган билан бешта ўғил катта қилган баробар, деган гап ҳам бор. Битта экан деб уни эркалатиб юбориш мумкин. Ўғилларимни катта қилишда отамнинг ўгитига амал қилдим — уларни бир зум ҳам бўш қўйганим йўқ. Уларда меҳнатга муҳаббат уйғотишга ҳаракат қилдим. Салор канали бўйида бир оз ерни ўзлаштириб, бўш вақтларимизда биргалашиб, ўша ерда ишладик. Ҳам меҳнат, ҳам даромад...

Дарҳақиқат, уйларига яқин жойдаги анор, беҳи, хурмо ва қатор мевали дарахтлардан иборат кўркам боғ отахоннинг фарзандлари қўли билан яратилган.

— Шу ўринда истиқлолнинг болаларим тарбиясидаги аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди у сўзида давом этиб. — Имкониятлардан фойдаланиб, уларни хорижий тилларни ўрганишга қизиқтирдим. Ўзим Ленинградда рус тилини билмай, кейинчалик инглиз тили билан боғлиқ кўплаб қийинчиликларга дуч келганим учунми, фарзандларимни инглиз тилини ўрганишга жалб қилдим. Бизни замонда эссиз, бундай имкониятлар йўқ эди. Шунингдек, ҳар доим тўғри, пок, ҳалол ва интизомли бўлишга даъват этдим. Дин асосларини ўрганишларига эътибор бердим. Озодликка эришмаганимизда, дин ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Мақсадим битта — болаларим ҳам интеллектуал, ҳам маънавий баркамол бўлиб вояга етсин. Баъзилар мени меҳрсизликда айблашди, болаларим ҳам ҳафа бўлишди. Аммо улар орзуларига етгач, тер тўкиш, меҳнат қилиш менга эмас, ўзларига керак эканини тушунишди. Юртимизнинг ҳеч кимга қарам бўлмаган озод мамлакат экани боис, ҳаёт бизга ҳар сония, ҳар куни, ҳамма жойда беқиёс имкониятлар эшигини очаяпти. Нега энди ундан фойдаланмаслик керак?..

Халқ ва миллат тақдирига дахлдор номларга бежиз она номи қўшиб айтилмайди — Она Ватан, она табиат, она тили... Зеро, инсоният босиб ўтажак йўли оналарга боғлиқ. Буни Фотима аянинг оиладаги алоҳида ўрни мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Биз оиламиз билан ажойиб турмуш кечираяпмиз, — дейди у киши хотиржам оҳангда. — Аммо, бунга қадар турмуш ўртоғим билан қанча-қанча қийинчилик ва синовларни бошдан ўтказдик. Турмуш қурганимизга, мана, қирқ йил бўлди. Борида саховатли, йўғида қаноатли бўлишни ўргандик. Раҳматлар келтирадиган фарзандларни ўстириш ҳар бир ўзбек аёлининг азалий қисмати. Мен ҳам шундай аёллардан бириман ва бундан бошим осмонда. Қирқ йилга яқин пойтахтдаги 64-мактабда математика фани бўйича сабоқ бердим. Болалар дунёнинг қай бурчагига бормасин, мустақил мамлакатнинг мустақил фикр юрита оладиган, озод, эркин, салоҳиятли фарзанди эканини намоён этиши учун куч-ғайратимни аямадим. Ва шуни бемалол ва фахр билан айта оламанки, айнан Истиқлол йилларида мамлакатимизда ўқитувчи зоти қадр топди. Ўзининг ҳақиқий мақомига эга бўлиб бораяпти. Бу соҳа шахсан Президентимизнинг алоҳида эътиборида. Табиийки, бу эътибор ўз-ўзидан устозларнинг оиласи, фаровонлигига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Фарзанд мисоли нозик ниҳол. Вақтида керакли озуқани берсангиз, парвариш қилсангиз, ота-она яқдил бўлса, бола ўз йўлини топиб кетади. Аммо болаларим тақдирини ёрлақаган мустаҳкам замин — бу мустақил эканимиз. Бусиз фарзандларимнинг ютуқлари, билим, интилиш ва фаровонлигини тасаввур қилиш қийин.

ОРЗУЛАР МАНЗИЛИ

— Ҳалол меҳнат, Худо берган ақл-заковат ва истеъдод мустақиллигимиз шарофати билан яна ўз қадр-қимматига эга бўлди, — суҳбатга аралашди Рашид ака. — Бундан буёғига элимга хизмат қилишдан қўрқмайман ва толмайман ҳам. Хабарингиз бор, секин-аста бутун дунё рақамли телевизорларга ўтади. Бу тасвир сифатини анча яхшиласада, айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, аҳолининг барча қатлами ҳам рақамли телевизорни харид қилолмаслиги мумкин. Шу сабаб ҳозир шогирдларим билан ортиқча харажат ва муаммони бартараф этиш учун янги бир мослама яратиш устида иш олиб бораяпмиз. Бу орқали ҳозирги телевизорлар рақамли тасвирни кўрсата олади. Яъни, рақамли телевизор сотиб олмасдан шу ускунани телевизорга улаб бемалол рақамли тасвирдан баҳра олиш мумкин. Хуллас, ҳозир тадқиқот олиб бориш ва глобаллашув жараёни афзалликларидан фойдаланиб, тараққий этишнинг айни вақти. Қанча меҳнат қилсанг, бу биров учун эмас, ўзга эллар фойдасига эмас. Ўзинг учун, ўз оиланг, ўз юртинг ва ўз халқинг учун. Бундан руҳланиб, яна кўплаб кашфиётлар қилгим келади. Чунки, яратган янгилигинг ўзинг яшаб турган шу муқаддас замин тараққиётига хизмат қилишини ҳис қилиш қандай бахт.

Рашид Отахонов Испания, Куба, Франция, Англия, Саудия Арабистони каби мамлакатларда бўлиб, ўз соҳаси бўйича илмий ишларни баҳоловчи эксперт сифатида ҳам фаолият юритган. 1994 йилда ахборотлаштириш халқаро академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. 1996 йилда БМТ томонидан ташкил этилган «Кичик спутник тизимлар»га бағишланган халқаро конференцияда иштирок этди. Ўз соҳаси бўйича дунё миқёсидаги катта анжуманларда испан, инглиз тилларида маъруза ўқиди.

— Нечта тил билсанг, шунча катта имкониятга эга бўласан, — тушунтиради устоз. — Мадриддаги анжуманда испан тилида маъруза қилганимда залдагилар бир неча дақиқа қарсак чалиб турди. Бир ўзбек олимидан испанча маърузани кутмаган эканлар. Қайси мамлакатга борсанг, унинг тилида гапирсанг, сендан ҳурматли одам бўлмайди.

Оиламга ҳақиқий бахтни ҳуррият берди. Мендек бахтли одамлар, бахтли оилалар янада кўпайишини истайман. Ҳурлик замонида бунга барча шарт-шароитлар мавжуд. Бу борадаги чеклов, тушунмовчилик, танқислик, эътиборсизлик энди ортда қолиб кетди. Давлатимиз илмга чанқоқ ҳар қандай фуқарога, айниқса, ёшларга қатор илм даргоҳлари, имтиёзлар, истеъдодлар, истовчиларга хориж олий ўқув юртларининг ҳам эшигини очиб бермоқда. Фарзандларим Президентимиз айтганларидек, биздан бахтли ва яхши ҳаёт кечираётганидан бошим осмонда. Тинчлик-омонлик ва фаровонлик уларга мерос бўлиб қолишини истайман.

Гулгун СУЛТОНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: Рашид Отахонов.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Эртага — ҳаво флоти куни

ПАРВОЗИНГИЗ БАЛАНД БЎЛСИН

Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбасида Ўзбекистон Республикаси Ҳаво флоти кунини кенг нишонлаш анъанага айланган. Ушбу байрам арафасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» авиакомпанияси томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар сарҳисоб этилди. Анжуманда таъкидланишича, 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида авиакомпания хизматларидан 1 миллионга яқин йўловчи фойдаланган, 11,9 минг тонна юк ташилган.

Мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларига ва 45 дан зиёд халқаро йўналишлар бўйича қатновлар амалга оширилмоқда. Сўнгги ярим йил ичида халқаро парвозлар харитасига янги Дубай йўналиши қўшилди. Европа, Осиё, Америка, МДҲ давлатларининг қиркдан ортиқ шаҳарларида авиакомпаниямиз ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Миллий авиакомпаниямиз муҳим тузилмаларидан бири бўлган «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида D-chek шаклидаги техник хизмат турини кўрсатиш ўзлаштирилди. Шунингдек, «Тошкент» халқаро аэропортининг учиб кетиш зали реконструкция қилинганлиги боис йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ошди.

Кўриниб турибдики, авиакомпания жамоасининг ютуқлари салмоқли, олдинда эса янги вазифалар турибди. Авиация хавфсизлиги, авиаташувлар ишончлилиги ва сифатига талаблар кун сайин ортмоқда. Бу борада манфаатдор тузилмалар билан ҳамкорликда барча зарурий чора-тадбирлар қабул қилинаётир.

Ўзбекистон ва Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ICAO) ўртасида имзоланган ўзаро англашув Меморандумига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолияти аудитдан ўтди. У ICAO режаси бўйича Чикаго конвенциясининг иловасида ифода этилган талабларни ҳисобга олган ҳолда фуқаро авиацияси тизими ҳолатини баҳолашга холисона ёндашиш асосида ўтказилди. ICAO мутахассисларининг фикрича, мамлакатимиз фуқаро авиацияси соҳасида парвозлар хавфсизлигини назорат қилувчи самарали тизим жорий этилган. Республикамиз фуқаро авиацияси ходимларининг, нафақат қонунчилик, балки хизмат кўрсатувчилар даражасидаги юксак касбий маҳорати ҳам таъкидлаб ўтилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Korean Air» авиакомпаниялари ўртасида имзоланган Ўзаро англашув меморандумига кўра, «Навоий» аэропорти базасида Логистика халқаро марказининг қурилиши ва авиакомпаниялар ўртасида икки томонлама ҳамкорликни давом эттириш масалалари келишиб олинди. Шуни айтиш керакки, 2008-2009 йилларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» «Korean Air» таклифи бўйича дунёдаги энг йирик авиакомпанияларни бирлаштирувчи ҳамда йўловчи ва юк ташувлар жаҳон бозорининг 35 фоизини назорат қилувчи «Sky Team» халқаро авиация альянсига аъзо бўлади. Бундай ҳамкорлик эса миллий авиакомпаниямизга халқаро авиатранспорт тизимидаги интеграцияни, парвозлар хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлаш йўлида янги имкониятлар очади.

Миллий авиакомпаниямизнинг келгусидаги режаларидан яна бири — электрон билетлар сотуви тизимига тўлиқ ўтишдан иборатдир. Бунинг учун ҳозирда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг тўғридан-тўғри йўналишлари бўйича мавжуд бўлган ҳамма тарифлар сотувлар халқаро тизимига жойлаштирилди. Барча йирик авиакомпаниялар қатори «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳам электрон билетларни расмийлаштиришга ўтди. Зеро, бугун хизмат кўрсатишнинг янги стандарти, нафақат Ўзбекистон, балки миллий авиакомпаниямиз ваколатхоналари фаолият юритаётган хорижий давлатларда ҳам жадал жорий этилмоқда.

Авиация транспортининг муваффақиятли ривожи, биринчи навбатда, юқори малакали мутахассислар — учувчилар, техниклар, ер усти хизматлари ходимлари ҳамда ўзининг муҳим ва мураккаб вазифасини сидқидилдан бажариб келаётган барча мутахассисларнинг хизматидир.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот ва масъулият

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилоят бошқармаси ва филиаллари хизматидан мижозлар мамнун

Иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини шакллантиришда банкларнинг ўз ўрни бор. Мустақиллик йилларида соҳа қайта ислоҳ қилиндики, бу халқимизга кенг имкониятлар яратиш баробарида, юрт ривожи йўлида ҳам камарбаста бўлаётир. Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганидан кейин мамлакатимизнинг барча вилоятларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерчиликни ривожлантиришда катта қулайликлар яратилди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда янги иш ўринлари яратиш, қишлоқ жойларда аҳолини микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлашни янада кенгайтириш учун Сурхондарё вилоят «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси олдига ҳам янги вазифалар қўйилганди. Ўтган икки йил давомида бошқарма ҳамда туманлар филиаллари томонидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди ҳам...

— Жорий йилнинг ўтган ойларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 172 нафар кишига 2195301,0 минг сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди, — дейди банкнинг **вилоят бошқармаси бошлиғи Мўминжон Маҳмудов.** — Шунингдек, 19 та мижозга 499200,0 минг сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Қувонарли томони шундаки, мазкур кредитлар эвазига 200 нафарга яқин киши янги иш ўринларига ҳам эга бўлди...

Иссиқ иқлимли воҳада боғдорчилик, мева-сабзавотчилик яхши ривожланган. Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилаларнинг томорқа хўжаликларида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш орқали деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида «Микрокредитбанк» томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Мазкур дастурга мувофиқ, ўтган даврда 437 та деҳқон хўжаликларига 219,2 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Натижада яна 570 та янги иш ўринлари пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чекка қишлоқ ва овулларда бетакрор қурилиш, гўзал масканлар ўз фаолиятини бошлади. Ана шундай иншоотларнинг бунёд этилишида хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ҳиссалари бор. Жорий йилнинг ўтган ярим йилида вилоят бўйича 245 нафар тадбиркор аёлга 446,7 миллион сўм кредитлар ажратилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда анча салмоқлидир. Демак, банк ва мижоз ўртасидаги ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда.

Мамлакатимизда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар алоҳида назоратда. Уларга ғамхўрлик қилиш, мурувват кўрсатиш яхши анъанага айланган. Мазкур банк ва унинг филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойида ана шундай хўжаликлардан 266 тасига 271,3 миллион сўм микрокредитлар ажратилгани қувонарлидир. Йил охиригача яна 300 та оилага қулайлик яратиш режалаштирилган...

Ёшлар — келажаги буюк давлатимизнинг мустаҳкам таянчи, эртанги кун эгаларидир. Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бугунги куннинг асосий талабидир. 2008 йилнинг ярим йилида айни шу мақсадлар учун 612142,9 минг сўм кредит ажратилган. Шундан 273,0 минг сўмини истеъмол, 339,2 минг сўмини эса микрокредитлар ташкил қилади.

Тадбиркору ишбилармон, фермерларнинг кенг фаолият юритишлари учун бугун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Бунинг натижаси ўлароқ, юртимиз кун сайин чирой очмоқда. Чекка қишлоқлар ҳам ўзгача кўриниш олган. Ободончилик, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари яратиш мақсадида банк томонидан 183 та тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратилгани қувонарлидир.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилоят бошқармаси ўтган икки йил давомида минглаб мижозларга эга бўлди. Бошқарма икки йилдирки, «Ташаббус» кўрик-танловларида «Энг яхши молия муассасаси» номинациясида ғолиб бўлмоқда. Бу ҳам ўзига хос эътирофдир.

«Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун банк қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ёшлар ўртасида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» кўрик-танлови ўтказилгани бунга мисолдир.

Мустақил ҳаётга қадам қўяётганларга шарт-шароит яратишни бурч, деб билган жамоа яна бир хайрли ишга бош қўшгани қувонарлидир. Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда касб-ҳунар ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида 126 нафар кишига 104,4 миллион сўм микрокредитлар ажратилди.

— Яратилган шароит ва имкониятлардан миннатдорман, — дейди **Узун туманининг «Янги рўзғор» маҳалласида истиқомат қилувчи ёш тадбиркор Шерзод Раҳматов.** — Ўтган йили мазкур банкнинг туман бўлимидан 500 минг сўм кредит олгандим. Ўзимиз ишлаб чиқараётган турли мебель, стол-стул ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларимиз юртдошларимизга манзур бўлмоқда...

— Банк кўрсатаётган хизматдан хурсандман, — давом этади **Умиджон Раҳмонов.** — Мен ҳам Узун филиалидан 600 минг сўм микрокредит олиб, фаолият бошлагандим. Айни кунларда маҳсулотларимиз ўз ўрнини топди. Насиб этса, жаҳон бозорига ҳам чиқамиз. Сармоя масаласида банк бизга ҳар доим кўмакдош.

— Ўтган ярим йилда банкимиз ўз маблағи ҳисобидан 400100, минг сўм қисқа ва 579720,0 минг сўм узоқ муддатли кредитлар ажратди, — суҳбатни давом эттиради **Мўминжон Маҳмудов.** — Улар савдо, ишлаб чиқариш, қурилиш, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган. Жумладан, ғалла ҳосилини етиштириш бўйича 1671 та фермерга 3761228,0 минг сўм имтиёзли кредит ажратилган бўлса, 1900 га яқин фермерга пахта ҳосили учун 15493997,0 минг сўм кредитлар берилди.

Хуллас, ана шундай кенг қамровли шароит ҳамда қулайликлар боис «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳамда филиаллари йил сайин ривожланмоқда, унинг мижозлари сони тобора ортаётир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ.

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

когонлик геологлар учун байрам совғаси бўлади

Қурилиши бундан беш ой олдин бошланган янги спорт мажмуаси Геофизика шаҳарчасининг ҳақиқий қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Лойиҳа қиймати 400 миллион сўм бўлган бу мажмуа «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамиятининг «Бухоро геофизика экспедицияси» филиали маблағи асосида қад ростлади.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган бу замонавий иншоот ишга тушса, шаҳарча ёшларининг бокс, кураш, бадиий гимнастика сингари ўнга яқин тури билан шуғулланиш учун Бухоро шаҳрига қатнашлари шарт бўлмайди. Бир йўла юзга яқин ёш йигит-қизлар машғулот олиб борадиган бу масканда барча қулайликлар яратилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

МАВРИТАНИЯНИНГ ЯНГИ ВАЗИРИ



6 август куни ҳарбий тўнтаришдан сўнг Мавритания ҳукуматини қўлга олган кучлар мамлакатнинг янги бош вазири ким бўлишини эълон қилди, деб ёзади Reuters. У мамлакатнинг Бельгиядаги собиқ элчиси Мулайё Муҳаммад Лагҳдафдир. Эслатиб ўтамиз, элчи собиқ президент Сиди Муҳаммад билан бирга ҳукуматдан четлаштирилган Яҳё Аҳмад Вагҳанинг ўрнини эгаллайди.

Мулайё бошчилигидаги вазирлар маҳкамаси президентлик сайловига қадар хунта ташкил этган давлат кенгаши томонидан назорат қилинади.

60 ЙИЛ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ

Европанинг инсон ҳуқуқлари бўйича суди британиялик хакер Гари Маккинонни Америка ҳукуматига топширишни ортга сурди, деб хабар беради Computerworld. У 28 августгача Буюк Британияда қолади. Британия судининг Маккинонни АҚШга экстрадиция қилиш ҳақидаги қарорига унинг адвокати аппеляция берган. Аввалроқ Британия судининг қуйи инстанцияси айбланувчини АҚШга юборишга қарор қилган эди.

АҚШ ҳукумати 42 ёшли Маккинонни 2001-2002 йиллар мобайнида ҳарбий компьютерларни бузиб кирган йирик ҳакер деб билади. АҚШ қонунлари бўйича у 60 йил қамоқ жазосига маҳкум қилиниши кутилмоқда.

ПАРРАНДА ГРИППИНИНГ ЯНГИ ТУРИ

АҚШнинг Мэриленд университети олимлари H9N2 — парранда гриппининг янги тури авж олиш хавфи борлигидан огоҳ этмоқда. Нигерияда аниқланган вируснинг янги кўриниши Африка минтақасига жиддий хавф солмоқда. Касаллик паррандачилик фермасида тарқалган. Фермерлар 40 мингта паррандани йўқ қилишга мажбур бўлган. Олимларнинг фикрига кўра, Нигериядаги касалликнинг барча ўчоқлари бартараф этилса ҳам, унинг қўшни давлатларга тарқалмаслигига ишонч йўқ. Бир неча ҳафта илгари эса лондонлик олимлар вируснинг янги тури катта миқёсда зарар келтириши тўғрисида ҳисобот эълон қилган.

Эслатиб ўтамиз, парранда гриппи жами 50 миллион кишининг ҳаётига хавф солмоқда. Шу пайтгача дунё бўйича 385 киши бу касаллик қурбони бўлди. Парранда гриппининг юздан ортиқ тури бўлиб улардан — H5N1, H7N3, H7N7, ва H9N2 инсон ҳаётига хавфлидир. H5N1 — энг хавфли парранда гриппи Эрон, Италия, Ҳиндистон ва Афғонистонда аниқланган.

XORIJDA

ИККИ МИЛЛАТ ЙЎҚОЛИШ АРАФАСИДА

Россиянинг икки халқи — Чукоткадаги керек ва Камчаткадаги альторецлар йўқ бўлиб кетиши мумкин. Ер юзида ҳар икки элатнинг жами 20 нафар вакили қолди. «Айни вақтда Шимол, Сибир ва Узоқ Шарққа мансуб 40 та миллатдан 18 тасига йўқ бўлиб кетиш хавфи туғилган. Улардан жами 11 мингтадан кам вакил қолган, холос. Кереклар 8 киши бўлса, альторецлар 12 кишидан иборат», — дейди Ямало-Ненец автоном округи парламенти спикери Сергей Харчи.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» МЧЖ

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«FARG`ONAAZOT» ОАЖ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:

«Наманган вилояти, Поп туманидаги «Мирсултон ота Фаёзов» фермер хўжалигига қарашли 14 га. буғдой билан пахтани алмаштириб экиш майдонида томчилаб суғориш ва ёмғирлатиш тизимини жорий қилиш» ҚМИ.

Муддати — 25.09.2008 йил.

Буюртмачи: «Farg`onaazot» ОАЖ

Манзили: Фарғона шаҳар, У.Юсупов кўчаси, 222-уй,
тел/факс: 222-20-02, 222-67-70.

Қурилиш-монтаж ишлари буюртмачининг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй,
телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

2008 йил – Ёшлар йили

«БАРКАМОЛ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ»

ушбу мавзуда 14-15 август кунлари пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларида вояга етмаган ёшлар учун семинар-тренинг машғулотлари ташкил этилди

Халқимиз азал-азалдан фарзанд тарбияси масаласига энг қийин ва масъулиятли, шу билан бирга энг шарафли вазифа сифатида қараб келади. Чунки ота-оналаримиз ўз фарзандлари тимсолида келажак ҳаётлари, Ватан тақдирини кўрадилар. Минг афсуски, ҳаётда ноқобил фарзандлар ҳам бўладики, улардан нафақат ота-она, балки жамият ҳам азият чекади. Улар тарбиясига жиддий эътибор берилмаса болалар эгри йўлларга ҳам кириб кетишади. Шундай хатоликларнинг олдини олиб, болаларни тўғри йўлга бошлаш эса нафақат ота-она, ўқитувчи-мураббийнинг, балки ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Пойтахтимизнинг ўн бир тумани ҳудудида жойлашган биттадан умумтаълим мактабида ўтказилган «Баркамол авлод — келажагимиз» мавзуидаги икки кунлик семинар-тренинг машғулотларида худди шу ҳақда сўз борди. Мазкур лойиҳа «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унда 757 нафар ўқувчи-ёшлар қамраб олинди.

Миробод туманидаги 125-умумтаълим мактабидамиз. Мазкур семинар-тренингда туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, ички ишлар, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, халқ таълими туман бўлимлари, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши масъул ходимлари, мактаб директорлари, ўқитувчи-мураббийлар иштирок этишди. Тадбирни Миробод тумани ҳокими Азиз Тўраев кириш сўзи билан очди. Туман прокурори Исломжон Эргашхўжаев эса иштирокчиларни лойиҳанинг мақсад-вазифаси ва кун тартиби билан таништирди.

Венера ГАЛИМОВА, Миробод туман ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори, катта лейтенант:

— Мазкур тадбир профилактик ҳисобда турувчи ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишлари, менталитетимизга ёт бўлган турли хил зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ бўлиб яшашлари, жамиятимиз ҳаётида ўзларининг муносиб ўринларини топишга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Икки кун давомида ана шундай ёшларнинг 48 нафарига ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик каби иллатлар энг аввало инсон ҳаёти, қолаверса, соғлиги учун ниҳоятда зарарли эканлиги тушунтирилди. Махсус дастур асосида улар билан амалий мулоқотлар ўтказилди. Машҳур спортчи ва киноактёрлар билан учрашувлар, спорт мусобақалари уюштирилди. Голибларга эса эсдалик совғалари топширилди.

Менимча, биз ўз мақсадимизга эришдик. Ана шундай болаларга кўпроқ эътибор қаратсак, улар: «Мен ҳам шу юртга, жамиятга керак эканман», деган хулосага келиб, ҳаётда ўз ўрниларини топишга интилашади.

Комилжон ТЎХТАНАЗАРОВ, 1993 йилда туғилган, ўқувчи:

— Икки кунлик тадбирлар менга жуда ёқди. Хато иш қилганимни энди тушуниб етдим. Келажакда авиация соҳаси бўйича ўқишга кириб, ота-онамга, юртимга содиқ фарзанд бўламан. Спорт турларидан боксга қизиқаман. Машғулотларга ҳам қатнаб тураман. Устозларимдан бокс сир-асрорларини янада кўпроқ ўрганмоқчиман.

•••

— Бу семинар Юнусобод туманининг 122-умумтаълим мактабида ҳам ўтказилди, — дейди Юнусобод туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Шуҳрат Комилов. — Машғулотлар давомида ёшлар ҳаётига оид кўплаб муаммо ва долзарб масалалар қамраб олинди. Мазкур тадбир фақатгина машғулотлардан иборат бўлиб қолмай, вояга етмаган ёшлар учун Тошкент ҳайвонот ва «Тошкентленд» боғларига саёҳатлар уюштирилди.

Дилором МИРХОЛИҚОВА, Юнусобод туман ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими инспектори, катта лейтенант:

— Мана шундай тадбирлар қанча кўп ўтказилса, унинг самаралари ҳам шунча яхши бўлади. Чунки шунда болаларнинг бўш вақтини қамраб олган бўламиз. Кейин фарзандларимиз жиноят кўчасига кириб қолмайди. Факт ва рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йилга қараганда, бу йил вояга етмаган ёшлар орасида жиноятчилик анча камайди.

•••

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жуда яхши ташаббус илгари сурилди. Бундай амалий тадбирлар изчил йўлга қўйилса, республикамизда кенг оммалаштирилса, болалар ўртасида кўплаб нохуш воқеалар олди олинади,улар тўғри йўлга, соғлом турмушга йўналтирилади.

Гулгун УЛУҒОВА, Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Суратларда: Миробод туманидаги 125-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУҒЛАГАН ПОЛВОН

Keча дзюдо беллашувлари ниҳоясига етди. Мусобақанинг охирги кунида қизлар ўртасида +78 кг. ва эркаклар беллашувларида +100 кг. вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Гарчи, қизлар баҳсида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Мария Шекеровадан дастлабки учрашувдаёқ омад юз ўгирган бўлса-да, эркаклар ўртасида ўтган беллашувларда гиламга чиққан Абдулла Тангриев чинакам маҳорат намойиш этиб, мусобақа финалигача етиб борди.

Шу йилнинг 2 август куни пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида мамлакатимиз спорт делегациясини Пекин олимпиадасига кузатишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда халқаро тоифадаги спорт устаси Абдулла Тангриев ҳам қатнашган ва унда барча олимпиячиларимиз номидан сўзга чиққанди.

— Ортимизда бағрикенг, кўп миллионли халқимиз турганлигини ҳар лаҳзада ҳис этиб майдонга чиқамиз, — деганди Абдулла ўшанда. — Халқимизнинг дуолари, Юртбошимизнинг ғамхўрликлари кучимизга кўч қўшади. Пекин гиламларида ғалаба қозониш учун жон-жаҳдим билан курашаман. Худо хоҳласа, Ватанимизга албатта, медаль билан қайтаман!..

Ўзбекнинг асл ўғлони шундай бўлади. Қуръага кўра, Абдулла илк учрашувда германиялик Андреас Тольцерга қарши майдонга тушиб, мусобақани соф ғалаба билан бошлади. Иккинчи давра беллашувларида ҳамюртимизга Януш Войнарович (Польша) рақиб бўлди. Унда дзюдочимиз очколар ҳисобида зафар қучиб, чорак финал йўлланмасини нақд қилди. Абдулла ярим финал йўлланмаси учун Европанинг номдор спортчиларидан бири франциялик Тедди Ринега қарши гиламга тушди. Тенг курашлар остида ўтган мазкур учрашувда рақибига нисбатан дадилроқ ҳаракат қилган тажрибали дзюдочимизга ягона очко ғалабани туҳфа этди. Кубалик Оскар Брэйсонга қарши кечган ярим финал учрашувида ҳамюртимиз рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва финал йўлланмасини қўлга киритди. Унинг финалдаги рақиби ёшлар ўртасидаги ўтказилган жаҳон чемпионати олтин медали совриндори японияли Сатоши Иши бўлди. Агар дзюдо ватани вакилининг чорак финалда бир неча карра жаҳон ва Олимпия чемпиони Темирлан Теминов (Россия) устидан соф ғалабага эришганлигини ҳисобга олсак, унинг нечоғли маҳоратга эгалигини англаш қийин эмасди. Шу боис, ҳал қилувчи баҳсни ҳар иккала дзюдочи ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бошлашди. Беллашув давомида рақиблар бирорта ҳам усулни қўллай олишмади. Бироқ Абдулла бироз суст ҳаракат қилгани учун икки марта огоҳлантириш олди. Натижада ҳамюртимиз очколар ҳисобида кичик фарқ билан ютказиб, кумуш медаль билан кифояланди. Энг муҳими, моҳир спортчимиз ўз сўзининг устидан чикди. Қолаверса, олимпия ўйинларида кумуш медални қўлга киритиш катта шараф.

Эслатиб ўтамиз, бунгача мамлакатимиз дзюдочилари илк маротаба 1996 йили Атланта (АҚШ)да ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олишган эди. Ўшанда ҳамюртимиз Армен Багдасаров (81 кг.) кумуш медалга сазовор бўлганди.

Пекин олимпиадасида бокс бўйича ўтаётган баҳсларнинг чорак финалчилари номи ҳам аниқ бўлиб бормоқда. XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон спорт делегацияси байроқдори бўлган тажрибали «чарм қўлқоп» устаси Дилшод Маҳмудов (69 кг.) ўз мухлисларини хурсанд қилишда давом этаётир. Мусобақанинг нимчорак финал босқичида ҳамюртимиз франциялик Жавад Чигерга қарши рингга кўтарилди. Унда Дилшод катта устунлик билан ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўлланма олди. Аммо ушбу босқичнинг кеча ўтказилган бошқа вазн тоифаларидаги боксчилари баҳсида вакилларимиздан омад юз ўгирди. Жумладан, унда кутилмаганда Хуршид Тожибоев (54 кг.) маврикиялик, Афина олимпиадаси совриндори Баҳодиржон Султонов (57 кг.) эса украиналик рақибларидан енгилди.

Спорт гимнастикаси бўйича қитъа чемпиони ва жаҳон кубоги совриндори Антон Фокинга ҳам мутахассислар катта ишонч билдиришяпти. Гарчи, у кўпкураш баҳсларида жами 89,750 очко жамғариб, 16-ўринни эгаллаган бўлса-да, ўзининг севимли брусья машқлари бўйича медаллар учун курашни давом эттирмоқда.

Бугун эса ҳамюртларимиз таэквондо (ВТФ) ҳамда эркин кураш бўйича баҳсларга киришадилар.

Эркин ХОЛБОБО, Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7962 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.45
Topshirilgan vaqti — 01.00
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

Миннатдорчилик

ДИЛБАНДИМИЗ ОЁҚҚА ТУРДИ

Биз Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги «Ванғози» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиламиз. Ҳаётда, оиламиз бошига ташвиш тушди, 4 ёшли неварам Ситора Халилова оғир хасталаниб, тўшакка михланиб қолди. Шифохонама-шифохона юриб, гўдагим дардига малҳам изладим. Ниҳоят, Тошкентнинг Юнусобод туманида жойлашган 1-шаҳар болалар клиник-шифохонасига бордим. Бўлим мудири Дилором Нурматова ҳамда шифокор Мактуба Камоловалар Ситоранинг дардини аниқлаб, тиббий муолажа тайинлашди.

Бўлим врачлари Зокиржон Тожибоев, Гушам Мамедова, Севара Раупова, Дилноза Мирзаева, катта ҳамшира Зилола Асадуллаева, муолажа ҳамшираси Феруза Асиловалар қизалоғимга сидқидилдан тиббий хизмат кўрсатдилар. Шунингдек, фарзандимизни ажал чангалидан қутқариб олган реаниматолог Дилором Худойберганова, Альфия Қодирова, Элмурод Жуманов, Юсуф Мавлоновларга ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз.

Ситора ҳозир соғайиб, чопқиллаб юриб кетди, бағримиз бутун. Биз оиламиз номидан замонавий тиббий аппаратлар, шарт-шароитлар яратиб бериб келаётган ҳукуматимизга ҳамда оқ халатли шифокорларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Халил ЖАМИЛОВ, меҳнат фахрийси.

Тошкент шаҳридаги 94-умумтаълим мактаби томонидан Аитов Павел Евгеневич номига 2007 йилда берилган О`тА №1773995 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Игилик-газ» масъулияти чекланган жамият — Қорақалпоғистон — Россия қўшма корхонасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 10 сентябрда берилган нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга рухсат этувчи 204356782 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олимпиада совриндори

БЎРИБОҒИДАН ЧИҚҚАН ПАҲЛАВОН

Пекинда ўтказилаётган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров туғилиб ўсган қишлоқда қувончу шодликлар Мустақиллик байрамига уланиб бормоқда

Бугун Жондор туманидаги Бўрибоғи қишлоғининг файзи, одамларининг эса кайфияти бошқача. Кимга қараманг, қувончи қўксига сиғмайди, каттаю кичик Собировлар хонадонига ошиқади. Полвоннинг онаси-ю отаси, ака-сингилларини катта ғалаба билан қутлашга келаётганларнинг кети узилмайди.

— Ахир, қувонмай бўладими, — дейди Қароли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шоира Ҳайдарова. — Ҳамқишлоғимиз юзимизни ерга қаратмади. Худудимиздаги 14 та қишлоқ, 4 та маҳаллада яшовчи 17 минг аҳоли бу хушхабарни эшитибоқ, бир-бирини қутлаб кетди шу куни. Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида, аниқроғи, Ришоджоннинг келиши билан қишлоқларнинг кўрик-танловини бошлаймиз. Бунинг устига паҳлавонимизнинг туғилган куни ҳам яқин. Хуллас, тўйлар кўп.

Бизни эса Ришоднинг отаонаси кўнглидан шу дамларда кечаётган туйғулар кўпроқ қизиқтирди.

— Ўғлим қўлга киритган муваффақиятнинг қадри баланд, — дейди Рашид ака. — Аввало у мамлакатимиз олимпиадачилари орасида биринчи бўлиб совриндорлар рўйхатини бошлаб берди. Мен юртим ишончини муносиб оқлаган фарзандим билан фахрланаман.

— Ришоджоним, — дейди полвоннинг онаси Гулнора Раҳматова, — тўрт ўғлимнинг иккинчиси. 9 август кечқурун телефон қилганида қувонганимдан йиғлаб юбордим. Ахир, бу бахт ҳамма оналарга ҳам насиб қилавермайди-да. Эрталабданоқ уйимиз меҳмонларга тўлди.

Ҳа, полвонлар оиласида туғилган 4 ўғил, бир қиз орасида бундай шарафга Ришоджон эга бўлгани бежиз эмас. Рашид аканинг таъкидлашича, туманда полвонлар жуда кўп. Отаси Ҳазратполвоннинг олдига тушадиганлар жуда кам бўлган. Шу боис, бу анъана сулоладан сулолага юққан. Ҳозир Рашид ака «Миршод-2» фермер хўжалигини бошқарса ҳам полвонлар даврасини тарк этгани йўқ. Бунинг устига у қишлоқ оқсоқоли, кураш тарғиботчиси. Спортга ошнолик ҳамма фарзандларига отадан ўтгани рост.

— Ришоджон бизда еттинчи синфгача таълим олган, — дейди қишлоқдаги 16-мактаб директори Меҳриддин Иззатов. — Ундаги курашга бўлган иштиёқни тўла намоён этиш учун бизда етарли шарт-шароит йўқ эди. Шу боис, у қўшни Олот туманидаги 7-ихтисослашган Олимпия захиралари спорт-мактабига кириб, дзюдо сирларини ўрганди. Унинг бугунги ғалабасидан жамоамиз беҳад хурсанд.

Олотдаги мактабни тугатган Ришод Собиров Бухоро давлат университетида сабоқ олиш билан бирга вилоят марказидаги 2-Олимпия захиралари спорт мактабида мураббий Фурқат Солиев раҳбарлигида маҳоратини ошириб борди. Халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, мана бугун Пекин олимпиадасида иштирок этяпти. Ўз шогирди эришган ғалаба билан унинг ота-онасини биринчилардан бўлиб табриклашга борган мураббий ҳам қувончини яширолмади.

— Шогирдларимдан ҳамиша кўнглим тўлган. Бу гал ҳам шундай бўлди, — дейди у. — Ришод ушбу ютуғи билан дунё спорт мутахассислари эътиборини мамлакатимизга қарата олди. Ўзбек ўғлонларининг халқимиз руҳиятига хос мардлик, жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан ҳурмат, ҳалоллик каби хислатларини амалда намойиш этди. Баракалла, Ришод!..

Бўрибоғидан қайтарканмиз, туманда борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гарови бўлган мустақиллик йилларида спортга берилаётган эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлган бир-биридан гўзал спорт мажмуаларига кўзимиз тушди. Бу ерда спортнинг ўзлари ёқтирган тури билан шуғулланаётган истеъдодли болаларни кўриб, ҳали тумандан Ришод Собировга ўхшаган Олимпия совриндорлари кўплаб чиқишига умид боғладик.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.